Истаган музейингизда Россияда (хох чет элликларники бўлснн, хох русларниг ўзлариники бўлсин) турли замонларда юритилган кўплаб кадимий танга-чакаларнннг намуналарини кўриш мумкин.
Аммо жуда галати жойи шундаким, XII ва XIII асрлардаги тангаларни хеч каерда учратмайсиз. Биронтасини хам! Бунинг ўрнига ўша асрга доир хазиналардан хар хил шакл ва вазндаги кимматбахо металларнинг куймаси топилади.
Тарихни ўрганиш шуни кўрсатадики, куйилмалар танга-чака пайдо бўлгунча пул ўрнида ишлатилган, бу ерда эса юз йиллар мобайнида танга-чака пул муомаласида бўлса-ю, бир-дан яна куймага ўтилса! Акл бовар килмайдиган хол-ку!
Ха, худди шундай бўлган.
Русда пул шакли-шамойили ривожланишини оркага кайтариб юборган нарса нима экан?
Маълум бўлишича, ўша пайтларда Киев Русига бирлашган ерлар яна алохида-алохида князликларга бўлиниб кетган. Бутун мамлакат учуп ягона танга-чака зарб этиш тўхтатилган. Илгари муомалада бўлган тангаларни халк яшириб кўйгаи. Худди ана шу пайтда динор келтириш хам тўхтаган.
Шундай килиб, Русда танга-чака колмаган, буларнинг ўрнини куймалар эгаллаган. Яна качонлардир бўлгани каби пулнинг хизматини кумуш парчалари ўтай бошлаган. Лекин эндиликда кумуш пуллар аник шакл ва вазнга эга бўлган.
Бу даврни танга-чакасиз давр дейилади.
Русларпинг кўшнилари бўлган латишлар, эстонлар, литваликларнинг хам ўша пайтда тангалари бўлмаган.
XIII асрнинг бошларида мўгул галалари Русь томон силжиб келишарди.
Князликларнинг ўзаро низолари натижасида парчаланган, кучсизланган Русь мўгулларнинг яхши уюшган кўшинига карши тура олмайди. Рус кишилари канчалик курашмасинлар князликлар бири кетидан бири боскинчилар асоратига тушаверди.
Тез орада Новгороддан ташкари бутун Русь мўгуллар зулми остида колди. Волга бўйларида, Ўрта Осиё ерларида. Шимолий Кавказ ва Гарбий Сибирда Ботухон давлати — Олтин Ўрда ўрнатилди. Русь учун чеки-чегараси кўринмас огир, машаккатли йиллар келди.
Мўгуллар ўз пулларини чикаришди. Ана шунда Русда дирхам ёки денга — танга пайдо бўлди. «Танга» — жирингловчи деган маънони билдиради.
Бу асосан устига арабча ёзилган кичкина кумуш тангалар эди. «Денга» сўзи рус тилида аста-секин «деньги» (пул) бўлиб ўзгариб кетган.
Факат XIV асрнинг ўрталарида, рус халки мўгулларнинг зулмини бўшаштиришга муваффак бўлгач, яна рус танга-чакалари пайдо бўла бошлайди. Князь Роман Михайлович Киевда кумуш танга зарб килади. 1380 йили Куликов жангида

мўгул-татарлар устидан галаба козонилгач, Дмитрий Донской хам танга чикаради. Аммо, хали руслар Олтин Ўрда зугумида эди, бу нарса тангаларда хам акс этиб турарди. Масалан, Дмитрий Донской чикарган танганинг бир томонига: «**Султон Тўхтамишхон. Салтанатлари мустахкам бўлсин**
», деб ёзилганди. Иккинчи томонида эса Дмитрий Донскойнинг белгилари: ойболта кўтарган киши ёки хўроз тасвирланган эди. Ундаги ёзувлар эса русча ва арабча бўлган. Рус тангаларидаги арабча ёзув мўгуллар асоратидан кутулгандан кейин хам узок вактларгача сакланиб келинган. Масалан, Иван III хамда Михаил Тверскийнинг тангаларига арабча хат ёзилиб, ўша ернинг ўзидаёк русча таржимаси хам берилган: «
Иван — Иоанн, Михаил Тверча — Михаил Тверской, Москов акчаси будир — есть денга московская
».